

Ким менинг Суннатимга рағбат қилмаса, мендан эмас

09:17 / 29.08.2017 3288

Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Огоҳ бўлинг! Аллоҳга қасамки, мен Аллоҳдан энг кўп қўрқадиганингизман, Унга энг кўп тақво қиладиганингизман. Аммо рўза ҳам тутаман, оғзим очиқ ҳам бўлади. Намоз ҳам ўқийман, ухлайман ҳам. Аёлларни никоҳимга ҳам оламан. Ким менинг Суннатимга рағбат қилмаса, мендан эмас», дедилар».

Икки шайх ва Насий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам бу ҳадисларида нафл амалларда тежамкор бўлиш, тоқатидан ташқари нарсалар билан ўзини қийнамасликка чақирмоқдалар.

Бу ҳадиси шарифнинг айтилишига сабаб бўлган ҳодиса бошқа ривоятларда тўлалигича келтирилган. Бир куни саҳобалардан уч киши Оиша онамизнинг ҳузурларига келиб, Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг нафл ибодатлари ҳақида сўрайдилар. Оиша онамиз учовларига бор нарсани айтадилар. Шунда уларга Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг нафл амаллари оз кўринади. Улар «Аллоҳ таоло Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг олдинги ва кейинги гуноҳларини мағфират қилиб қўйган, у киши қўшимча амал қилмасалар ҳам бўлаверади, аммо биз кўпроқ қўшимча амал қилишимиз керак», дейдилар. Улардан бири «Мен доимо рўза тутаман, ҳеч оғзим очиқ юрмайман», дейди. Иккинчиси «Мен кечаси ухламай, намоз ўқийман», дейди. Учунчиси «Мен аёлларга уйланмайман», дейди.

Уларнинг бу гаплари Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламга етиб боради. У зот соллаллоху алайҳи васаллам бундан қаттиқ аччиқланадилар. Сўнгра масжидга чиқиб, намоздан кейин ваъз қиладилар ва биз ўрганаётган ҳадисдаги гапларни айтадилар:

«Огоҳ бўлинг! Аллоҳга қасамки, мен Аллоҳдан энг кўп қўрқадиганингизман, Унга энг кўп тақво қиладиганингизман».

Яъни, эй одамлар, огоҳ бўлинг, билиб қўйинг. Яна ҳар хил фикрларга бориб, турли гапларни гапириб юрманг.

«Аллоҳга қасамки».

Бу оддий гап эмас, қасам билан таъкидлаб айтилаётган, эътиборли ва аҳамиятли гап.

«Мен Аллоҳдан энг кўп қўрқадиганингизман».

Мендан кўра Аллоҳдан кўпроқ қўрқадиганингиз йўқ, бўлмайти ҳам, бўлиши мумкин ҳам эмас.

«Унга энг кўп тақво қиладиганингизман».

Мендан кўра Аллоҳга кўпроқ тақво қиладиганингиз йўқ, бўлмайти ҳам, бўлиши мумкин ҳам эмас.

«Аммо рўза ҳам тутаман, оғзим очиқ ҳам бўлади».

Яъни нафл рўза тутадиган кунларим ҳам бўлади, оғзим очиқ юрган кунларим ҳам бўлади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам хафтанинг душанба ва пайшанба кунлари ҳамда ойнаинг аввали, ўртаси ва охирида ҳам нафл рўза тутар эдилар. Шунингдек, нафл рўзага ўта қизиққанлари учун Пайғамбар Довуд алаҳиссаломнинг рўзаларини – бир кун тутиб, бир кун очиш маъқул эканини баён қилганлар. Бу масалалар, иншааллоҳ, кези келганда батафсил ўрганилади.

«Намоз ҳам ўқийман, ухлайман ҳам».

Яъни, кечаси ҳам нафл намози ўқийман, керагича ухлайман ҳам.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам кечаси керагича ухлар эдилар. Аммо таҳажжуд намозини ҳам ўқир эдилар. Айниқса, туннинг учдан бири қолиб, саҳар яқинлашганда кўпроқ бедор бўлар эдилар. Бу масалалар ҳам кези келганда батафсил ўрганилади.

«Аёлларни никоҳимга ҳам оламан».

Никоҳсиз ўтиш менга хос эмас.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир вақтнинг ўзида тўққизта аёлни ўз никоҳларида олиб турганлари маълум ва машҳур.

«Ким менинг Суннатимга рағбат қилмаса, мендан эмасдир».

Яъни, ушбу ва бошқа ишларда ким менинг йўлимни тутмаса, менинг динимда эмас, деяптилар.

Ушбу ҳадисдан олинadиган фойдалар:

1. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Аллоҳдан энг кўп қўрқадиган банда эканликлари.
2. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Аллоҳга энг кўп тақво қиладиган банда эканликлари.
3. Аллоҳдан қўрқиш ва У Зотга тақво қилишда ҳеч ким Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўта олмаслиги.
4. Умр бўйи нафл рўза тутиш мумкин эмаслиги.
5. Нафл рўзани Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Суннатларига мувофиқ тутиш зарурлиги.
6. Кечаси билан ухламай, нафл намоз ўқиб чиқиш ўринли эмаслиги.
7. Кечаси вақтида ухлаб, Суннатга мувофиқ нафл намоз ўқиб кераклиги.
8. Оила қурмай юриш яхши эмаслиги.
9. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Суннатларига рағбат қилмаслик диндан чиқишга олиб бориши.